

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

БОЛТАЕВА ИҚБОЛ ТОЖИБОЕВНА

УДК 398.22 894.375

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЭПИТЕТ
ТАБИАТИ**

10.01.09 — Фольклоршунослик

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ — 2000

Тадқиқот Тошкент вилояти Давлат педагогика институти
ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услуги кафедрасида
бажарилган

- Илмий раҳбар** — филология фанлари доктори
И. Т. ЁРМАТОВ
- Расмий оппонентлар** — филология фанлари доктори,
профессор **Ғ. ЖАЛОЛОВ**
- филология фанлари номзоди,
доцент **О. МАДАЕВ**
- Етакчи илмий муассаса** — Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика универси-
тети

Ҳимоя 2000 йил «29» декабрь кунин соат 9⁰⁰ да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер
Навобий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги
ДК 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш
учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш
йиғилишида ўтказилади: (Манзил: 700170, Тошкент 170,
Академик И. Мўминов кўчаси, 9-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

(Манзил: 700170, Тошкент 170, Академик И. Мўминов
кўчаси, 13-уй).

Автореферат 2000 йил « » да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари доктори

А. ЖАЛОЛОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқининг эпик мероси жуда қадимий тарихга эга. Бу улкан хазина ҳозирга қадар кишиларни Ватанга, она халқига меҳр-мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда етакчи манба бўлиб хизмат қилмоқда. Олийжаноб ғояларни бетакрор бадний шаклларда ифодалаш халқ эстетик тафаккурининг етакчи тамойилларидан ҳисобланади. Шунинг учун биз халқ эпосини миллий ва маданий қадриятлар деб биламиз, уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга интиламиз. Ўзбекистон Президенти таъкидлаб айтганидек, "Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди"¹.

Ҳақиқатан ҳам халқнинг бой оғзаки мероси асрлар оша бизнинг ҳозирги талаб ва эҳтиёжларимизга, мустақил юртимиз фуқароларининг маънавий ташналигига ҳозиржавоб сарчашмалик вазифасини ўтамоқда. Бу нарса, юқорида айтилганидек, улардаги гўзал ва олийжаноб ғоялар ҳамда мафтункор баднийат туфайлидир.

Ўзбек халқ достонлари ва уларнинг бадний табиати кўп тадқиқ этилди. Бироқ ҳали ўрганилмаган баднийат сирлари анчагина. Ана шундай тасвирий, ифодавий воситалардан бири эпитет ҳисобланади. Жаҳон эпосшунослигида эпитетлар жуда кўп ўрганилди, улар хусусида турли-туман, ҳатто бир-бирига зид фикрлар ҳам билдирилди. Уларнинг аксарияти ўзбек халқ эпоси материалида қай даражада ўз тасдиғини топади, қай бирлари инкор этилади, бу ҳали аниқ эмас, албатта. Чунки эпитет ҳодисаси поэтик феномен сифатида ўзбек эпосшунослигида махсус тадқиқ қилинган эмас. Ушбу масаланинг халқ достонлари мисолида алоҳида ўрганилиши мавзунинг долзарблигини белгилашга асос бўлади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдирувчи бошқа бир жиҳат ҳам бор. Маълумки, шу пайтга қадар турли монография, мақола ва терминнологик луғатларда эпитетлар изчил тасниф этилмаганлиги сабабли унинг турли кўринишлари ҳар хил атамалар

¹ Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-137-б.

билан изоҳланиб келинади. Ушбу диссертацияда эпитетларнинг аниқ фактик материалларга асосланган тасдиқланувчи ички кўринишлари илк бор тасниф қилинадик, у илмий жамоатчилик томонидан маъқулланса, терминологик чалқашликларга маълум даражада барҳам беради, деб ўйлаймиз. Демак, тадқиқотимиз мавзунинг долзарблиги нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий зарурлиги билан ҳам белгиланади.

Мамлакатимизда “Таълим ҳақидаги Қонун”нинг қабул қилиниши ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши мавжуд таълим тизимининг ислоҳ этилишини бошлаб берди. Бу жараёнга ҳар бир фан соҳаси ўзининг улушини кўшиши табиий. Чунончи, ўзбек эпосшунослиги ҳам бу жараёндан ташқарида эмас. Яратилаётган янги адабиёт дарсликлари учун халқ дostonларидаги эпитетларнинг бадний табиатини ва поэтик вазифаларини аниқлаб бериш мавзуимизнинг долзарб эканлигини яна бир карра англатади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Биз ўз тадқиқотимиз олдига эпитетларнинг поэтик табиатини ва вазифадорлик жиҳатидан турларини аниқлаш ҳамда уларнинг халқ дostonларида адо этган ғоявий-бадний вазифаларини ўрганишни мақсад қилиб кўйдик.

Ушбу мақсадга эришмоқ учун кўйидаги вазифаларни ҳал этишни лозим деб топдик:

- эпитет ҳақидаги назарий карашларни кўздан кечириш ва унинг тарихини ёритиш;
- эпитетларни тасниф этиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ҳамда ўзбек халқ дostonларидаги эпитетларни сажжиясидан келиб чиққан ҳолда тасниф қилиш;
- эпитетларнинг халқ дostonларидаги қўлланиш доирасини аниқлаш;
- халқ дostonларида эпитет қўлланишда шаклланган эшик анъана ва бу анъаналарнинг халқ бахшилари ижодида сақланиб қолиш даражаларини ёритиш;
- образнинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсини ёрқин акс эттиришда эпитетларнинг тутган ўрни ҳамда бахшилар маҳоратини очиб бериш.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Маълумки, эпитетлар халқ эпосининг поэтикаси бўйича энг кўп ўрганилган бадний-тасвир

хамда ифода воситаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан фанда эпитет ҳақидаги қарашлар ва уларнинг таснифи масаласида ҳархилликлар кўп учрайди. Биргина рус фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида эпитетлар ҳақида А.Н. Веселовский, А.Потебня, Б.Томашевский, В.Я.Пропп, С.Л.Невелера, С.Г.Лазутин, Н.И.Кравцов, Л.А.Астафьева, В.П.Аникин, П.Д.Ухов, Ф.М.Селиванов, Н.И. Савушкина, Н.М. Ведерникова каби кўплаб олимларнинг махсус тадқиқот ва мақолалари мавжуд¹.

Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ҳам эпитетлар у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Бу хусусда В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов, С.Йўлдошева, Р.Қўнғуров, Б.Умиркулов каби олимларнинг мақола ва махсус тадқиқотлари мавжуд².

¹ Веселовский А.Н. Из истории эпитета. //А.Н.Веселовский. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа,1989.- С. 59-74; Потебня А.А. Теоретическая поэтика.-М.: Высшая школа. 1990; Потебня А.А. Из записок по теории словесности. Харьков, 1905; Томашевский Б.В. Стихистика и стихосложение.-Л.,1959; Пропп.В.Я. Русский героический эпос.-М.,1958; С.Л.Невелера. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса.-М.:Наука,1979; Лазутин.С. Жанровая специфика частушечных эпитетов.// Поэтика литературы и фольклора. Воронеж.1960; Кравцов.Н.И. Эпитет в лирических бытовых песнях.// Эпитет в русском народном творчестве.-М.,1980; Астафьева Л.А. Эпитет в частушках.//Эпитет в русском народном творчестве. – М., 1980; Аникин В.П. Эпитет в загадках.// Эпитет в русском народном творчестве.-М., 1980; Ухов П.Д. Постоянные эпитеты в былинах как средство типизации и создания образов.// Основные проблемы эпоса восточных славян.-М.,1958; Селиванов Ф.М. Эпитет в былинах.// Эпитет в русском народном творчестве.-М., 1980; Савушкина Н.И. Эпитет в бытовой сказке.// Эпитет в русском народном творчестве.-М., 1980; Ведерникова Н.М. Эпитет в волшебной сказке.// Эпитет в русском народном творчестве.-М., 1980.

² Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.-М.:ГИХЛ. 1947; Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан. 1968; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ.-Т.: Фан. 1978; Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фанлари д-ри дис...автореф. -Т., 1994; Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадийяти. – Т., 1994; Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: Автореф. дис...канд. филол. наук. -Т., 1984; Турдимов Ш.Ғ. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида поэтик рави: Филол. фанлари номз. дис...автореф. – Т., 1987; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари.-Т., 1977; Умиркулов Б. Поэтик нуқта лекенкаси.-Т., 1990; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш.-Т.,1995.

Адабиётшунослик атамалари ҳақидаги махсус лугатлардан ташқари қомусий лугатларда ҳам бу поэтик ҳодиса ҳақида эътиборга лойиқ изоҳлар учрайди¹.

Аmmo шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган адабиётларда эпитетлар бадий-тасвирий воситалардан бири сифатида олиб қаралади. Уларда эпитетларнинг муайян жанр матнида тутган ўрни ва айрим вазифалари ҳақида умумий тарзда фикр юритилган. Бу ҳолат ўзбек халқ достонларида эпитетлар ва уларнинг таснифи, ҳар бир эпитет турининг адо этган вазифаларини махсус тадқиқ этиш ва яхлит умумлаштирувчи хулосаларга келишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Маълумки, ҳар бир тадқиқотдан кўзланган мақсад янги фикр айтиш орқали фан тараққиётига муайян улуш қўшишдан иборат. Биз юқорида рус ва ўзбек адабиётшунослиги ҳамда фольклоршунослигида эпитет тўғрисида қилинган ишларни алоҳида эслатиб ўтдик. Уларда эпитет ҳақида умумий маълумотлар берилди ва турлича таснифлари эслатиб ўтилди. Фанда эришилган ана шу ютуқлардан сўнг бизнинг тадқиқотимизга хос янгиликлар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- эпитет эстетик аҳамиятга молик бадий-тасвирий ва ифодавий усул эканлиги аниқланди. Шунга кўра нарса, шахс ёки вазият олдида келадиган ҳар қандай аниқловчи эпитет бўла олмаслиги исботлаб берилди;

- ўзбек халқ достонларидаги эпитетларнинг асосий кўринишлари илк марта тўлиқ тасниф этилди. Булар: қайд этувчи, баҳоловчи, барқарор ва барқарор бўлмаган, истиоравий ва истиоравий бўлмаган, оддий ва мураккаб таркибли эпитетлардан иборат. Ишда уларнинг ҳар бир тури аниқ мисоллар билан исботланди ва

¹ Краткая литературная энциклопедия. Т.8.-М.: Советская энциклопедия. 1975.-С. 921-923; Словарь литературоведческих терминов. Редакторы – составители Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. -М.: Просвещение. 1974. –С. 469-470; Хомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. -Т.: Ўқитувчи, 1967.-205-б; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли лугати.-Т.: Ўқитувчи, 1979. -354-355-бетлар; Тимофеев Л., Венгеров Н. Краткий словарь литературоведческих терминов.-М., 1958; Квятковский А.К. Словарь поэтических терминов. -М., 1966; Литературный энциклопедический словарь. - М., 1987 ва бошқалар.

уларнинг бадиий матидаги вазифалари очиб берилди. Бундай тасниф илмий адабиётларда ҳукм сурган терминологик тафовутларга барҳам беради деб умид қиламиз;

- эпитет қўллашда халқ бахшиларининг ўзларига хос бадиий тамойиллари мавжуд. Ана шу тамойиллардан келиб чиқиб, диссертацияда эпитетларнинг дostonлар матида қўлланилувчи типик ўринлари ва нотипик ўринлари белгиланди. Бу иш, биринчидан, эпитет қўллашнинг халқ дostonларидаги доирасини белгилашга имкон берса, иккинчи томондан, халқ дostonларидаги бадиий-тасвирий ва ифода воситаларидан фойдаланишнинг анъанавий принципларини аниқлашга йўл очади;

- эпитетларга муносабат масаласида ҳам халқ ижодкорларининг эстетик йўсинлари бир хил эмас. Шу боис ишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли, Раҳматулло Юсуф ўғли каби халқ дostonчиларининг ўзларига хос ижод тамойиллари ва майлларини ёритишда уларнинг эпитетларга муносабати асос қилиб олинди. Номлари зикр этилган ижодкорларнинг эпитет қўллаш борасидаги умумийлиги ва ўзига хослиги каби хусусиятлари ҳам ёритилди. Мана шу жиҳатлар, ўйлаймизки, тадқиқотимизнинг илмий янгилиги ҳақида ҳукм чиқаришга асос бўла олади.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Диссертацион ишни ёзишда жаҳон, шунингдек, ўзбек эпосшунослиги, айниқса, халқ эпоси поэтикаси бўйича амалга оширилган илмий-назарий қарашларга таяндик. Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг миллий-маънавий кадриятлар ҳақидаги назарий қарашлари ташкил этади.

Ишда қиёсий-тарихий ўрганиш етакчи метод сифатида фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот бундан буён ўзбек халқ эпоси поэтикасининг назарий масалаларини, хусусан, эпитетлар табиати ва уларнинг гоъвий-бадиий такомиллини кенг қамровда ўрганишда муайян назарий аҳамият касб этади.

Ишдан олний ўқув юртлари филология факультетлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда, махсус курслар ўқиш ва факультатив машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертациямиз учун "Ўзбек халқ ижоди" сериясида чоп этилган "Алпомиш" ва "Гўрўгли" туркумига мансуб достонлар, шунингдек, "Булбул тароналари" беш жилдликка киритилган достонлар асосий объектлик вазифасини ўтади.

Ишнинг жорийланиш даражаси. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги Маҳмуд Қошғарий номидаги Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубиёти кафедрасида ва ЎЗР ФА А.Навоний номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Бундан ташқари, диссертация А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ва А.Навоний номидаги Тил ва адабиёт институтидаги махсус семинарларда муҳокама қилиниб ижобий баҳоланган.

Диссертациянинг мазмуни муаллифнинг илмий журналларда чоп этилган учта илмий мақоласи ва ёш олимлар илмий айжуманларида қилган маърузаларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар каби қисмлардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Ишнинг "Кириш" қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг урганлиги даражаси ва илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқотнинг методологияси ва методикаси, объекти ва жорийланиш даражаси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби "Эпитет тарихи ва назариясига бир назар" деб номланган. Унда имкон доирасида ўзбек ҳамда бошқа хорижий мамлакатлар адабиётшунослигида эпитет ҳақида билдирилган назарий қарашлар тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди. Чунки эпитет ҳақидаги мавжуд қараш ва таърифларни қиёсий ўрганмай туриб, унинг ўзбек халқ достонларидаги моҳиятини, ғоявий-бадний вазифаларини аниқлаб бўлмайди. Шу бонс тадқиқотимизнинг ушбу бобида эпитет ҳақида билдирилган мавжуд фикр-мулоҳазалар, илмий таъриф ва тавсифларга қисқача тўхталиб ўтдик. Бундай йўл тутиш мазкур поэтик ҳодиса ҳақида бизгача билдирилган илмий фикрлар

нималардан иборат эди-ю, биз уларга нималар кўшдик, эпитетларнинг ўзбек халқ дostonларидagi бадий табиати қандайлиги борасидаги фикр-мулоҳаза таримизнинг янгилиги нималардан иборатлигини аниқ кўрсатишга имкон беради.

Оддий сўз аташ (номинатив) вазифа адо этади. Унинг бадий образ мақомига кўтарилиши учун муайян контекстда уни ё кўчма маънода, ё бирор аниқловчи, изоҳловчи билан қўллаш лозим бўлади. Ушбу маънидан келиб чиқилса, эпитет шахс, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг оддий аниқловчиси эмас, балки уларнинг поэтик образ даражасидаги моҳиятини, қимматини, адо этувчи вазифасини белгиловчи бадий ҳодиса эканлиги ойдинлашади. Шу сабабли эпитетларга илмий адабиётларда турли-туман таърифу тавсифлар бериб келинади. Чунончи, тилшуносликка онд деярли барча адабиётларда эпитетларга оддий аниқловчи сифатида қараш анъанаси ҳукмрон. Энг аввало шунини назарда тутиш лозимки, “аниқловчи”, “сифатловчи” атамалари лингвистикага тааллуқли илмий атамалар бўлиб, улар поэтикадаги “эпитет” атамасининг ўрнини боса олмайдилар. Эпитет шу бондан бадийлик нуқтаи назаридангина қўлланилиши ва қабул қилиниши лозим. Демак, “эпитет” термини поэтикада бадий матнлар таҳлилида қўлланилади ва белги ёки сифатнинг субъектив-эмоционал баҳосини ифодалайди.

Акад. А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, Б.В.Томашевский каби олимлар мазкур бадий ҳодисани турлича тасниф этадилар¹. Жумладан, А.Н.Веселовский эпитетларни кўйидаги икки гуруҳга ажратади: а) тавтологик б) изоҳловчи эпитетлар. Бундан ташқари, А.Н.Веселовский ҳиссий таассуротларининг йиғма ифодаланишига, яъни ифодавийлик билан тасвирийлик мужассамланган синкретик эпитетларни биринчилардан бўлиб аниқлади. У славян халқлари шеърлятида эпитетларнинг кўчимга асосланган кўриниши мавжудлигини қайд этди ва уни эпитет - метафора деб атади.

А.Н.Веселовскийнинг замондоши, йирик олим А.Потебня эса эпитетларни кўчимларга нисбатан кенгрок ҳодиса деб қаради. У эпитетни кўчим эмас, балки бадий фигура деб талқин этди. У поэтика тарихида илк бор эпитетларнинг қўлланилиш ўринларини аниқ кўрсатди. Унингча, эпитетлар: 1. Аниқловчи сифат. 2. От

¹ Веселовский А.Н.. Из истории эпитета. // А.Н.Веселовский. Историческая поэтика.- М.: Высшая школа. – 1989.-С. 59-74; Потебня А. Теоретическая поэтика. –М.: Высшая школа. – 1990.- С. 165-170.

туркумига мансуб изоҳловчилар. 3.Сифат аниқловчи ва сифат. 4.Равиш ва сифат. 5.Равиш ва феъл. 6.Феъл ва феъл каби сўз туркумлари орқали ифодаланмишлари мумкин. Бу нарса эпитетларни фақат аниқловчи вазифасини ўтайди деган бир ёқлама фикрларга чек қўйди¹.

Эпитет тарихи ва назарияси ривожда Б.Томашевскийнинг ўз ўрни бор. У эпитет билан боғланувчи сўз ўртасида мантикий боғлиқлик, семантик сифим жиҳатидан уйғунлик ва бадий эҳтиёж мавжудлигига алоҳида эътибор қаратди. Б. Томашевский эпитетларни кучайтирувчи, безовчи, барқарор ва беқарор, тузилишига кўра содда ва мураккаб таркибли каби гуруҳларга тасниф этадики², унинг бундай таснифини айрим жузъий тузатишлар билан ҳозир ҳам қўллаш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, ишимизнинг ушбу бобида В.И.Корольков, Л.Крупчанов, В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифов, Т.Мирзаев, В.Я.Пропл, Р.Кўнғуров, Э.Худойбердиев, С.Г.Лазутин каби олимларнинг; Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев, Х.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова, Н.Хотамов, Б.Саримсоқов сингари олимлар томонидан тузилган терминологик луғатларда эпитет ҳақида билдирилган таърифу. таснифларга асосланиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

1.Эпитет шахс, нарса ёки воқеа – ҳодисанинг оддий аниқловчиси эмас, балки уларнинг бадий образ даражасидаги моҳиятини, ғоявий-эстетик қимматини, бадий контекстда адо этувчи вазифасини белгиловчи поэтик ҳодиса бўлиб, халқ оғзаки бадий ижодининг барча жанрлари қатори халқ дostonларида ҳам тасвирий, ифода воситаси сифатида кенг истифода этилади.

2.Хар қандай аниқловчи эпитет саналмайди. Аниқловчининг эпитетлик мақомини олиши учун аниқловчи ва аниқланмиш ўртасида эстетик моҳиятга молик муносабат бўлиши шарт. Бу муносабат эпитетнинг нарса ва шахсдаги белги-сифатга бўлган субъектив-ҳиссий баҳо орқали ифодаланади.

3.Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти жанрларида учрайдиган эпитетларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) қайд этувчи ва баҳоловчи эпитетлар; б) барқарор ва барқарор бўлмаган

¹ Потебня А.А. Из записок по теории словесности. - Харьков, 1905.-С.215

² Томашевский Б. Стихотворение и стихосложение. - Л., 1959.-С.200-208

эпитетлар; в) метафорик ва метафорик бўлмаган эпитетлар; г) оддий ва мураккаб таркибли эпитетлар.

Диссертацияда эпитетларнинг ҳар бир тури алоҳида мисоллар таҳлили воситасида кенг асослаб берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Ўзбек халқ дostonларида эпитетларнинг асосий типлари” деб номланган. Ушбу бобда ўзбек халқ эпосининг асосий типлари, уларда эпитетларнинг қўлланиш миқёси ва характери каби масалалар ҳақида баҳс юритилган.

Маълумки, ўзбек халқ дostonлари тарихийлик нуқтаи назаридан уч типга – қаҳрамонлик, романик ва тарихий дostonлар кабиларга тасниф этилган. Халқ дostonларининг бу типлари эпитетлар қўллашдаги характери, миқёси ва даражаси билан ҳам фарқланадиларми ёки йўқми деган савол туғилиши табиий. Тадқиқотимиз шунн кўрсатадики, халқ дostonларининг юқорида қайд этилган уч типн поэтик тафсиллар қўллаш жиҳатидан ўзаро тафовутланадилар. Бу нарса диссертациямизда қаҳрамонларнинг жанг пайтларидаги ҳолатлари, жанг қуролларидан фойдаланишдаги маҳоратлари тасвирида эпитетлар қўллаш миқёси ва даражаси мисолида кенг таҳлил этилган.

Халқ дostonлари жанг пайтларида эпик баҳодирларнинг хатти-харакатлари, уруш яроқларидан фойдаланиш, жанг яроқларининг тавсифи жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқланиб турадилар. Бундай фарқланишлар, бир томондан, ҳар бир бахшининг ўзи амал қилиб келаётган поэтик анъана билан белгиланса, иккинчи томондан, халқ дostonларининг ҳар бир типга хос бадий тасвир принципларининг мавжудлигига асосланади. Бу масала ншда Булуғур ҳамда Қўрғон дostonчилиқ мактаблари намоёндалари қўйлаган қаҳрамонлик, романик ва тарихий дostonлар мисолида батафсил таҳлил этилган.

Хуллас, эпитетлар қўллаш борасида ўзбек халқ дostonларининг барча типлари бир-бирларидан фарқланиб туради. Шу фактнинг ўзи ҳар бир типдаги халқ дostonлари ўзига хос ғоявий-бадий анъанага эга эканлигидан далолат беради.

Диссертациямизнинг мазкур бобида ҳал этилган масалалардан яна бири халқ дostonларида истифода этилган эпитетларни тасниф этишдан иборат. Тадқиқотимиз шунн кўрсатадики, ўзбек халқ дostonларида эпитетларнинг саккизта тури қўлланилар экан. Булар: 1. Қайд этувчи эпитетлар. Бундай эпитетлар кўпроқ дostonларнинг

бошламасида қўлланади ва асар воқеаларининг кечини ўрни, замони ва эпик қаҳрамонининг мавқеи, обрў-эътибори, ҳолати кабилар ҳақида хабар беришга хизмат қилади: "Буруши ўтган замонда, Урганч элдан тўбанда, ўзи қибла томонда, Чамбишнинг белинда, Тақа-Ёвмитининг элинда, Гўрўглибек гўрлаб, беқ бўлиб, овоза кўтариб ўтди" ("Далли". Булбул тароналари. 2-жилд, -Т.: 1972, 7-бет).

Қайд этувчи эпитетлар халқ дostonларининг барча динларида кенг қўлланилади. Ишда бу нарса жуда кўп мисоллар асосида таҳлил қилинган.

2. Баҳоловчи эпитетлар. Эпик тасвирга жалб этилган ҳар бир нарсага, воқеа ва шахсга баҳо бериш, уларни асарнинг ғоявий-бадний мақсадига бўйсундириш баҳоловчи эпитетлар воситасида амалга оширилади. Баҳоловчи эпитетлар икки хил хусусиятга эга: уларнинг бири ижобий персонажларни улуғлаш, уларга хос сифатларни бўрттириш учун хизмат қилса, иккинчи хили салбий персонажларга хос ёвузликларни, уларнинг ташқи ва ички қиёфаларини очишга хизмат қилади. Бундай хусусиятлар ишда "Равшан", "Далли", "Зулфизар билан Авазхон", "Гўруғлининг туғилиши", "Хушкелди" каби дostonлар мисолида кенг таҳлил этилган.

3. Барқарор эпитетлар. Халқ эпосида узоқ даврлардан буён қўлланиши сабабли айрим эпитетлар анъанавий характер касб этганлар. Улар эпик идеал доирасида нарса ёки персонажнинг бир хил белги - сифатини аниқлашлари билан барқарорликка эришганлар ва барча дostonларда бир хил хусусият касб этадилар. Масалан, эпик баҳодирларнинг жанг қуролилари барча дostonларда "пўлат, Исфиҳон, кескир" эпитетлари қиличга нисбаган қўлланади. Диссертацияда барқарор эпитетлар батафсил таҳлил этилган.

4. Барқарор бўлмаган эпитетлар. Бу хилдаги эпитетлар халқ эпоси учун янги бадний ҳодиса бўлиб, улар ҳам асардаги нарса, воқеа ёки шахснинг белги-сифатини аниқлашлари билан барқарорлик касб этмайдилар. Бундай эпитетлар барқарор эпитетларга нисбаган озроқ қўлланилганлар-да, нарса, шахс ёки эпик воқеалар тасвиридаги илгари қўлланилмаган белги-сифатларни аниқлашлари билан қатъи аҳамият касб этадилар. Ишда эпитетларнинг шу турига хос хусусиятлар кенг таҳлил этилган.

5. Истиоравий (метафорик) эпитетлар. Эпос персонажлари, нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг белги-сифатини ифодаловчи сўз ижодкорнинг эҳтиросли муносабати туфайли бадний кўчимлар воситасида ифодалангани мумкин. Эпитетларда ифодаланган кўчим турларидан бири метафора бўлиб, улар белги-сифатларни бошқа нарсалардаги белги-сифатларга кўчириш орқали ифодалайди. Масалан, "Гулшанбоғ" достонидаги қуйидаги мисраларда истиоравий эпитет қўлланилган:

Таваккал, деб танҳо бу йўлга тушди,
Боши йўқ, оёғи йўқ бир чўлга тушди,

Аслида чўлнинг боши ҳам, оёғи ҳам бўлмайди. Аммо унинг беҳад катта ҳудуд эканлигини англатиш ва тингловчи кўзи олдида аниқ тасаввур тугдириш мақсадида "боши, оёғи" сўзлари кўчма маънода қўлланилган. Диссертацияда истиоравий эпитетларнинг тугган мавқеи, бадний вазифалари кенг таҳлил қилинган.

6. Истиоравий бўлмаган эпитетлар. Бундай эпитетлар персонаж ёки нарсаларга хос ноанъанавий, табиий белги-сифатларни ёрқин тасвирлаш учун хизмат қиладилар. Масалан, "Хушкелди" достонидаги отлар тасвирида ана шундай эпитетлар қўлланилган: "Ана шунда ўлжа отлардан зўр, йўғонной, белгидўнг, катта чўбирдан иккитасини олиб келиб, икки отга саража қилиб, Холдор маҳрамни солиб етаклаб йигитлар юра берди".

Хуллас, истиоравий бўлмаган эпитетлар ўзбек халқ достонларида кўп қўлланилган бўлиб, улар нарса ва персонажларнинг табиий, ноанъанавий белги-сифатларини аниқ тасвирлаш, таъкидлаш учун хизмат қиладилар.

7. Оддий эпитетлар. Бундай эпитетлар нарса ёки персонажларнинг аниқ бир белги-сифатини бир сўз билан ифодалашга хизмат қиладилар. Масалан:

Бошида бор унинг тилладан тожи,
Бу дардининг борму асло иложи.

8. Мураккаб таркибли эпитетлар. Бундай эпитетлар эпик тасвирдаги персонаж ёки нарсалардаги мураккаб белги-сифатларни тасвирлашда қўлланиладилар. Масалан, "Қундуз билан Юлдуз" достонидаги қуйидаги сатрларда мураккаб эпитет қўлланилган: "Анда Жанжал кат Бол Авазга қараб: "Эй арвоҳ урган эси йўқ девона, баччағар!" (Булбул тароналари, 3-жилд, 285-бет).

Оддий ва мураккаб таркибли эпитетлар табиати жуда кўп дostonлар тахлили мисолида диссертацияда кенг тахлил этилган.

Ушбу бобда бицирилган фикр-мулохазалардан куйидагича хулосаларга келинди:

1. Узоқ тарихий тараққиёт натижасида ўзбек халқ дostonларининг қахрамонлик, романик ва тарихий каби уч тарихий-тинологик тури юзага келди. Эпитетлар уларнинг ҳар бирида кенг қўлланилган. Шунинч алоҳида таъкидлаш жоизки, романик дostonларда эпитетлар қўллаш миқёси ва даражаси кучли.

2. Ўзбек халқ дostonларида эпитетларнинг кайд этувчи, баҳоловчи, барқарор, барқарор бўлмаган, истиоравий, ноисторавий, оддий ҳамда мураккаб таркибли турлари қўлланилган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ғоявий-бадий вазифа адо этадилар.

Диссертациянинг учинчи боби "Ўзбек халқ дostonларида эпитетларнинг қўлланилиши доираси" деб номланган. Унда халқ дostonларида эпитетларнинг қўлланилиши ўринлари ва адо этган вазифалари ҳақида фикр юритилади.

Маълумки, халқ эпосида ҳар қандай индивидуаллик анъанавийлик доирасида намоён бўлади¹. Анъанавийлик эса энг аввало халқ дostonларининг ғоявий-бадий мундарижасида куйидаги асосий мавзулар билан ўзини кўрсатади: а) ишқ мухаббат билан боғлиқ саргузаштлар ва жасоратларга бой сафарлар мавзун; б) ватан ҳимояси билан боғлиқ мавзу; в) адолатсизликка қарши кураш мавзун; г) дўстлик-биродарлик мавзун. Шу сингари олийжаноб, юксак идеалларни тараннум этувчи анъанавий мавзулар халқ эпосида анъанавийлик индивидуаллик устидан ҳукмронлик қилишига имкон яратиб беради.

Халқ эпосига хос анъанавийлик асарнинг умумий типик ўринлари тасвирида ҳам кўзга ташланади. Бундай ўринлар В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар томонидан куйидагича белгиланган: 1. Анъанавий бошлама ва тугалланмалар. 2. От эгарлаш. 3. Жанговар от таърифи ва тавсифи. 4. Жанговар отда чошиш. 5. Жанг тасвири. 6. Сафарга отланган қахрамонга насиҳат

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947.-С.426-427; Гусев В.Е. Эстетика фольклора. –Л., 1976.-С.189; Мирзаев Т. "Алломини дostonининг ўзбек вариантлари.-Т.,1968.-131-б.; Саримсов Б. Ўзбек алабиётида сажь.- Т., 1978.-63-64-б.

қилиш. 7.Сафар чоғида қаҳрамоннинг бирор шахсга дуч келиши ва савол-жавоб қилиши. 8.Жанг олдида ўзини таърифлаш. 9.Севинишгаилар учрашадиган чорбоғлар тасвири. 10.Маликалар тасвири.11.Канизак тасвири.12.Кўса тасвири.13.Мастон кампир тасвири¹.

Рус фольклоршунослигида ҳам умумий (типик) ўринлар ҳақида талайгина фикрлар билдирилган².

Халқ эпосидаги типик ўринлар ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, “умумий (типик) ўринлар” ҳамда уларнинг халқ достонларида тутган ўрни ҳақида куйидаги мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз.

1.Типик ўринлар халқ достонларида эпик тасвир анъаналарини ўзида мужассам этган сюжетнинг барқарор таркибий қисмларини ташкил этиб, улар ўзларида миллий эпоснинг тасвир тамойилларини намоён этади. Шунинг учун типик ўринлар эпитет, сажъ, ташбеҳ, муболаға каби анъанавий тасвир ҳамда ифода воситаларини сақлаб келади.

2.Типик ўринлар халқ эпосининг тарихий-типологик турларига хос эпик тасвир анъаналарини, уларнинг ўзига хосликларини намоён этади. Шу биле қаҳрамонлик, романик ва тарихий достонларга хос бадний тасвирнинг ўхшаш ва фаркли жиҳатлари типик ўринларда қўлланилган тасвирий воситаларни қиёслаш орқали аниқланади.

3.Типик ўринлар халқ достонлари сюжетининг барқарор таркибий қисмларини ташкил этганликлари сабабли эпосдаги вариантлик ва версиялик, уларнинг фаркли жиҳатлари каби масалаларни аниқлашда муҳим мезонлик вазифасини ўтайди. Шу маънода типик ўринлар халқ достонларидаги бадний тасвирнинг эстетик қимматини белгилашда эталон вазифасини ўтайди. Мана шундан келиб чиқиб, биз ўзбек халқ достонларидаги эпитетларнинг қўлланилиш доирасини белгилашда типик ўринларни мезон қилиб олдик.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947.-С. 429.

² Позднеев А.В. Общие места и “перенесения” в былинах. –М.,1964; Селиванов Ф.М. Былинные *Locī communes* в песнях об Иване Грозном и сыне (сыновьях). –М., 1964; Ухов П.Д. Типические места (*Locī communes*) как средства паспортизации былин.// Русский фольклор.-М.-Л., 1957, вып.2

Халқ дostonларидаги бошламалар тишик ўринлардан бири ҳисобланади. Чунки бошламалар реат воқеликни эпик воқеликдан ажратиб турувчи муҳим четарақдр. Ўзбек халқ дostonлари кўп инли бўлганлиги сабабли қаҳрамонлик, романлик ва тарихий дostonлар бошламасида қайд этувчи, баҳоловчи, оддий ва мураккаб таркибли эпитетлар кўп қўлланилган. Ишда халқ дostonларидаги бошламаларда қўлланилган эпитетлар, уларнинг вазибалари ва сажжияси кенг таҳлил қилинган.

Эпитет қўлланилувчи тишик ўринлардан яна бири эпик от таърифи баён қилинган ўринлар ҳисобланади. Чунки туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи, унинг маданий ҳамда эътиқодий қарашлари тизимида от ва у билан боғлиқ образлар чуқур ва пухта ишланган¹. Жанговар от таърифу тавсифида эпитетлар белгиловчи ўрин эгаллайдн. Шу боис ишда барча тишдаги халқ дostonларида эпик от тасвирида баҳоловчи, истиоравий, барқарор эпитетларнинг оддий ҳамда мураккаб таркибли турлари қўлланилганлиги, улар тасвирга аниқлик ва муболағадорлик бахш этганлиги каби масалалар батафсил ёритилган.

Ўзбек халқ дostonларидаги эпитет қўлланиувчи тишик ўринлардан бири жанговар отни эгарлаш тасвири ҳисобланади. Бундай ўринларда бахшилар бир томондан, эпик анъанага амал қилган ҳолда барқарор эпик формулалардан фойдалансалар, иккинчи томондан, от абзалларини яхши билишлари ва отни таъриф-тавсиф этганлари ҳолда уларни тартиб билан отга қўйишлари, боғлашлари лозим. Ана шу жараёнда от абзаллари тавсифида барқарор, баҳоловчи оддий ёки мураккаб таркибли эпитетлардан фойдаланилади. Ишда бундай ўринлар “Хушкелди”, “Алпомиш” каби дostonлар мисолида таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, диссертацияда қаҳрамоннинг узок, хатарли сафарга чиқиш олдидан отаси, онаси ёки бошқа яқин кишилари билан мулоқати, уларнинг насиҳат қилишидан иборат тишик ўринлар; сафар чоғида қаҳрамоннинг бирор шахсга дуч келиши ва

¹ Холи Зариф. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар от образининг қалимий асосларига доир//Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир.-Т., 1976. -65-83-б; Липец Р.С. Образы батыра и его коня в тюркомонгольском эпосе. -М.:Наука, 1984. -С.124-241; Нестеров С.П. Конь в культурах тюркоязычных племен Центральной Азии в эпоху Средневековья. -Новосибирск. 1990.

улар ўртасидаги савол-жавоб қилишдан иборат тирик ўринлар; қаҳрамон йўлида учрайдиган работ ва чорбоғлар тасвири, канизак ва маликалар тасвири, эпик баҳодирлар тасвири, кўса ҳамда мастон камширлар тасвирланган ўринлар, анъанавий қаллар образи тасвирида қўлланилган эпитетлар, уларнинг таркиби ва гоъвий-бадний вазифалари “Алпомниш” ва “Тўрўғли” туркумига мансуб дostonлар мисолида кенг таҳлил қилинди. Мухими шундаки, эпитет қўллашда Булуғур, Кўрғон дostonчилик мактабларининг йирик намоянадалари Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадкул Жомрот ўғли Пўлкан, Ислом Назар ўғли кабиларнинг анъанавийлик доирасидаги ўзинга хосликлари ҳам ёритилган. Ўзбек халқ дostonларидаги жангу-жадаллар тасвири, эпик баҳодирларнинг йўл босиши тасвирида қўлланилган баҳоловчи, исторавий эпитетлар отнинг елиши, қаҳрамонларнинг кийим-кечати, шиддаткорлиги, от абзалларини аниқ таъриф тавсиф этишга хизмат қилганлар.

Ниҳоят, халқ дostonларида эпитет қўлланилувчи тирик ўринлардан бири асар тугалланмаси ҳисобланади. Бундай ўринларда, асосан, қайд этувчи эпитетлар, қаҳрамонлик ва романик дostonларда эса баҳоловчи ва исторавий эпитетлар кўп қўлланилган.

Диссертацияда ўзбек халқ дostonларида эпитет қўлланилувчи тирик ўринлар юзасидан қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Ўзбек халқ дostonларида эпитетнинг қўлланиш доираси жуда кенг бўлиб, у дostonларнинг бошламасидан тортиб тугалланмасигача, жумладан, маконлар, сафар ва жанглар тасвири, кўса, мастон ва қаллар, канизаклар ва маликалар тасвирланган тирик ўринларни ўз ичига олади.

2. Ўзбек халқ эпоси кўп тили бўлганлиги учун дostonлардаги тирик ўринларда эпитетларнинг ҳар хил шакллари, ҳар хил турлари турли даража ва вазифада қўлланилган. Чунончи, қаҳрамонлик дostonларида эпитетлар нисбатан оз, аммо вазмин услубда қўлланилган бўлса, романик дostonларда қайд этувчи, баҳоловчи ва исторавий эпитетларнинг оддий ҳамда мураккаб таркибли турлари кўп қўлланилган. Тарихий дostonларда эса эпитет қўллашга эҳтиёж тарихий воқелик тарзи, миқёси билан шартланган ҳолда белгиланади. Бу тип дostonларда эпитетнинг баҳоловчи, исторавий ва қайд этувчи турлари қўлланилган.

Диссертация сўнггида тадқиқотимиз юзасидан қуйидагича умумий хулосаларга келинди.

Тарихи “бадний услуб тарихини белгиловчи” эпитет инсоннинг воқеликни ранг-баранглиги билан, ҳар бир нарсани ўзига хослиги билан кўриш эҳтиёжининг вужудга келиши даврларига бориб боғланади. Қадимги аждодларимиз ўзини ўраб олган молдний оламдаги нарсаларнинг етакчи белги-сифатларини тўғри, аниқ илғаш ва улар ўртасидаги тафовусларни фарқлаш воситаси сифатида эпитет деб аталмиш бадний ҳодисани кашф этди. Ана шундан буён бу ҳодиса инсон бадний тафаккурининг ривожини билан боғлиқ ҳолда воқеликни қайта ижодий яратиш жараёнида фаол қўлланиб келинади.

Ўзбек халқ достонларида эпитетларнинг туганган ўрни ва адо этган вазифалари бўйича олиб боришга кузатишларимиз шундан далолат бердики, халқ эпосининг бадний табиатини эпитетларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки образнинг жонли, ишонarli чиқishi, тингловчи ҳиссиётига, руҳиятига таъсирининг миқдос ва даражаси бошқа тасвир воситалари қатори эпитетлар фаоллигига ҳам боғлиқдир. Тадқиқотимиз шунини тасдиқлайдики, халқ достонларида қўлланилган эпитетлар асарнинг ғоявий-бадний қимматини ошириш, тингловчилар онги ва руҳияти, ҳиссий олами ва эътиқодий қарашларини тўлақонли ёритишга хизмат қилдирилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қуйидаги мақолаларида ўз ифодасини топган:

1. “Ширин ва Шакар” достонларида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 5-сон. - 49-50-бетлар.
2. Соф эпитетларнинг лирик турига хос бадний-эстетик хусусиятлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 2-сон. - 44-46-бетлар.
3. Тўксон тўпхонали Чамбил... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000. 29 сент.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Болтаевой Икбол Таджибаевны “Основные черты и природа эпитетов в узбекских народных дастанах”.

Выбор темы настоящей диссертации обусловлен недостаточной разработанностью теории эпитетов, и более того, даже традиционные эпитеты ещё не были предметом специального монографического исследования. Актуальность данной работы, посвященной изучению природы эпитетов в дастанных произведениях устно-поэтического творчества узбекского народа, а также выявление роли и идейно-художественной функции эпитетов во всех историко-типологических видах узбекского народного эпоса, заключается и в том, что эпитеты, наряду с синонимами и фразеологизмами по праву относятся к золотому фонду национального языка.

Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы.

В первой главе “К вопросу об истории и теории эпитета” приводятся суждения диссертанта об эпитете как традиционном приеме стилистики в художественной речи, об его узком и широком понимании как термина, об истории и теории эпитета в литературоведческой науке.

Во второй главе “Основные типы эпитетов в узбекских народных дастанах” рассматриваются такие вопросы, как классификация и систематизация эпитетов, характер, частота и степень употребления каждого вида в различных народных дастанах, что исследовалось, исходя из выяснения их функций из определенного контекста.

Третья глава “Мера использования эпитетов в узбекских народных дастанах” освещает традиционные приемы употребления эпитетов в типологическом плане в произведениях эпического характера и их роль в создании художественного образа.

В заключении представлены основные положения и выводы, полученные в ходе исследования.

SUMMARY

"THE MAIN FEATURES AND THE NATURE OF EPITHET IN UZBEK
FOLK DASTANS" IKBOL TOJIBOEVNA BOLTAEVA

Choosing the theme of the dissertation is conditioned by insufficient development of epithet's theory and, moreover, the traditional epithets were not, even, the object of special monographic research, yet. The actuality of the theme devoted to studying the epithet's nature in the oral poetic dastan works of Uzbek people and exposing the role and ideological-artistic epithet's function of all historical-typological kinds of Uzbek folk epos is that all epithets along with the synonyms and phraseology are, by right, referred to golden fund of national language, as well.


The dissertation consists of an introduction, 3 chapters, general conclusion and a reference -list.

The 1st chapter is devoted "To the problem of epithet's history and theory", and the researcher's judgements about the epithet as tradition way of stylistics in artistic speech, about its narrow and broad comprehension as a term, about epithet's history and theory in the study of literature science are presented in it.

In the 2^d chapter named "The basic types of epithets in Uzbek folk dastans" such problems as epithet's classification and systematization, the character, the frequency and the extent of reiteration of each kind in different folk dastans are regarded which were researched revealing from their function out of the definite context.

The 3^d chapter is named "The measure of epithet's use in Uzbek folk dastans" where the traditional ways of epithet's use in typological plan in the works of epic character and their role in creating the artistic image are illuminated.

At the end the main statements and conclusions obtained in the course of research are presented.



Р. — Подписано к печати 16.10.2000 г.
Зак. — X-2589 Тираж 100 2000 г. ОБ. И. Л.
Отпечатано в АП ТПК

Ташкент, Навои, 30.